

## КОВУЛ АСАЛШИРАЛИ ВА ШИФОБАХШ ЎСИМЛИК

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети Ўрмончилик доривор ўсимликлар ва манзарали боғдорчилик кафедраси  
Талабаси: Саидова Севара Муродбек Кизи  
Катта ўқитувчи: Бойназарова Сайёра Рўзикуловна

**Аннотация:** Ушбу мақолада ковул асалширали ўсимлигини етиштириш технологияси, биологияси, аҳамияти, кимёвий таркиби ва дориворлик хусусиятлари ёритилган.

**Abstract:** In this article, the cultivation technology, biology, importance in agriculture and agriculture, chemical composition and medicinal composition of the Capparist plant are covered.

**Абстрактный:** В этой статье освещены технология выращивания, биология, значение, химический и лекарственный состав растения capparist.

**Калит сўзлар:** Ковул, гул, илдиз, мева, асал, оксил, уруғ, кўчат, доривор.

**Key words:** Capparist, tuber, fruit, vitamin, protein, seed, seedling, flower, medicinal.

**Ключевые слова:** Capparist, стебел, плод, витамин, белок, семена, рассада, цветок, лекарственный.

**I. Capparidaure** оиласига мансуб Capparist-туркумининг ер юзида 300 дан ортиқ турлари мавжуд. Бу туркумининг ҳаётий шаклларида кўра дарахт, бута, кўп йиллик турлари бўлиб, улар асосан иссиқ тропик, қисман ўрта иқлимли шароитда ўсадган ўсимликлардир. Улар асалширали, манзарали, доривор ва сабзавот, зиравор сифатида аҳамиятга эга бўлган турларидандир. Бу туркумининг иккита вакили Сурхондарё вилоятида кенг тарқалган бўлиб, фойдали ўсимликлар сифатида диққатга сазовордирлар.

Capparis spinosa L-ковул, кавар Ўрта Осиё, Қрим, Кавказ, Афғонистон, Ҳимолай, Шимолий Африка ва Ўрта Ер денгизи мамлакатларида кенг тарқалган ёввойи ўсимликдир. Ўзбекистон шароитида рудерал, бегона ўт сифатида экинзорлар, боғлар, йўллар, сув хавзалари, тарихий обидалар, эски қишлоқлар атрофида кенг тарқалган. Ковул паст текисликдан тортиб, токи ўрта тоғ минтақасигача кўтарилиб борган. Бу тур йирик, поясининг узунлиги 2,0-2,5 м.га етадиган, пастки қисми ёғочланган кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Унинг пояси яхши шоҳланган, кетма-кет келадиган 7-10 тагача новда ҳосил бўлади. Оддий барглари қисқа бандли, новдада кетма-кет жойлашади. Япроғи тескари туркумсимон, ён баргчалари бир жуфт бўлиб тиканакчаларга айланган. Барг қўлтиқларида икки жинсли йирик (5-8см.) гуллари яқка ҳолда наваларда жойлашган, ялпи гуллаш даврида ўртача 20-50 тадан ҳар тупида гуллар очилиб туради. Гулқўрғони **актиноморф**, тўрт аъзоли. Тожибарглари ок, чангланганидан сўнг пушти рангга киради. Уруғчиси ўсиб **гинофор** ҳосил қилиши билан характерли. Нектардонлари тожибарг ва чангчилари орасида гул ўрнида жойлашган, ўткиряшил рангли, тугмачасимон шаклда. Ҳосил бўлган нектар суюқлиги махсус ширадонда йиғилади. Меваси кўп уруғли резавор кўсак мева. Пишиб етилганидан сўнг мева тўрт бўлакка бўлиниб очилади ва пўсти орқага қайрилади. қизил рангли мева эти ва ундаги кўкимтир рангли уруғлар кўриниб туради. Сурхондарё шароитида ковул май ойининг ўрталаридан бошлаб гуллайди. Ялпи гуллаш июн-июл ва ҳатто август ойларигача давом этади. Куз илиқ келган йиллари совук

тушганига қадар ноябр ойларида ҳам гули очилиб туради. Унинг гулларининг бирин-кетин очилиши ва мева туғиши мавсумий узоқ давом этади. Ковул гулларидан асал-арилар асосан эрталаб соат 7<sup>00</sup> дан кундузги соат 14<sup>00</sup> гача, сўнгра кечкурун соат 17-18<sup>00</sup> да нектар йиғади. Ковул гулларининг яшаши икки кун давом этсада, иккинчи куни соат 13-14 да иссиқ пайти гул кўрғони сўлийди. Аммо бу даврда ҳам ширадонда гул шира сақланиб туради. Ковулдан арилардан ташқари кўпгина бошқа ширахўрлар чумоли сингари ҳашоротлар озикланишда давом этадилар. Ковул гул гунчаларининг очилиши кечки 18-19 дан бошланиб тунгача ҳам давом этади. Об-ҳаво қулай бўлган шароитда ковул гуллари икки кун давомида очилиб турадилар ва гулшира ажратадилар. Бизнинг кузатишларимизда унинг ҳар бир гулидан 35-40мг, 35-38% шакар бўлган нектар ажратиб олдик. Бизнинг ҳисобларимизга кўра 40-50 кг/га нектар йиғиш имконияти бор. Бу ўсимликларни ўрганиш натижасида унинг ҳар бир гулидан 40-120 мг, ўртача 66 мг нектар ажралиши ва нектар маҳсулдорлигини 90 кг/га нектар олиниши мумкинлиги аниқланган (Қ.Зокиров, Э.Худойберганов 1974й ) 60-70 йилларда ковулзорлардан товар асал олинган ва ерларни ўзлаштириш эвазига улар анча қисқариб кетган.

### **II. Posanob kovuli-Capparis rosanoviana B.Fedtsch**

Жанубий Помир Олтойдаги Эндем камёб бу тур Боботоғда тарқалган. Бу тур оҳакли, кумтошли, шағалли ола жинсли шароитда ўсади ва кенг тарқалган. Унинг поясининг узунлиги 80-100 см.га етади, ер бағирлаб ўсади. Поя асосидан шохланиб, кўпгина новдаларни ҳосил қилади. Поя ва новдаларининг пастки қисми туклар билан қопланган, юқори қисми эса силлиқ. Барглари узунчоқ-ланцетсимон, этли ва пастки юзаси қуюқ тукчали, барг банди ёнбаргчалари бир жуфт тиканаксимон. Гуллари яқка ҳолда (1,5-2 см катталиқда) барг қўлтиғида жойлашган. Бу туркум гуллардан 30-38мг, 35-38% шакар бўлган нектар ажратилади. Унинг нектар маҳсулдорлиги 12-13 кг/га, асал ҳисобида 15-16 кг/га етиши мумкин.

Розанов ковули Эндем ва камёб ўсимлик сифатида Ўзбекистон Кизил китобига киритилган ва муоофазагаолинган бўлсада, фойдали ўсимлик сифатида эътибордан четда қолиб кетмоқда. Ковулнинг бу турини маданийлаштириш бўйича Ўзбекистон Ботаника боғида тажрибалар олиб борилган ва бу тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Ковул турлари нафақат асалширари, улар сабзавот, доривор сифатида ҳам диққатга сазовордир. Гулларининг хушбўйлиги унинг эфир мойли ўсимлик сифатида ўрганишни талаб этади. Ковулнинг гунчаси, меваси, ён куртак ва новдалари озик-овқат, зиравор, маринадлар, тузланган ҳолида ишлатилади. унинг уруғидан 30-35%гача мой ажратиб олинади ва озик-овқат, **пардоз саноти учун катта** аҳамиятга эга. Жанубий Африкада бу ўсимлик истеъмол қилинади ва Кофе тайёрлашда қўшимча сифатида фойдаланилади. Кимёвий таркибига кўра тиогликозид, мирозин ферменти, рутин, аскорбин кислотаси, йод моддаси (27%мг) кабилар тўпланиши маълум. Алколоид, гликозид моддалари асосан илдиз пўстлоғида йиғилади. Каппаридин гликозиди, стахизран алколоиди шифобахшлик хусусиятига эга. Биологик фаол бу моддалар асосан гунчалаш даврида кўпроқ йиғилади. Ковулнинг барги гулида, мевасида бу моддалар кам бўлади. Ковул мевасида рутин, қанд, нектин, каротин, санонинлар, флавоноиллар ва кварцитин моддалари ҳосил бўлади. Бу ўсимликни жуда қадимдан Диоскарин, Беруний, Абу Али ибн Сино билишган ва табобатда фойдаланишганлар. овқат ҳазм қилиш органлари, тери-асаб касаликларини, бош, тиш оғриқларини, гижжа ҳайдаш, бўғин оғриқлари ва кўпгина бошқа мақсадларда ишлатиш тавсия қилинади.

### **Хулоса**

Ковул Ўзбекистон ўсимликлари орасидаги энг муҳим фойдали ўсимликларидан биридир. Бу ўсимликларни маданийлаштириш ва фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, ҳозирги кунда бу турларининг камайиб бораётганлиги ва асаларичиликда етарли даражада фойдаланилмай келинаётганлигини кечириб бўлмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 20-майда “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-251-сонли қарори.
2. Атабаева Х.Н, Умарова Н.С. Доривор ўсимликлар ва ветеринария. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2021. 187 б.
3. Тўхтаев Б.Ё, Маҳкамов Т.Х, Тўлаганов А.А, Маматкаримов А.И Махмудов А.В, Аллаёров М.У. Доривор ва озиқабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва хом-ашёсини тайёрлаш бўйича йўриқнома.-Тошкент, 2019.144 б.